

Эскидан «акл ёшда эмас, бошда» деган оталар сўзи юрадир. Янги ижтимоий эҳтиёжлар такозасиданмидир, надандир, бу кунги Туркия жумхурият ҳукумати янги бир макол ўртага отмишдир. Уда «Асрийлик каллада эмас, кулоҳдадир!» Эски маколнинг тўғрилигини кундалик ҳаётимиз билан исбот килинмоқда бўлса ҳам, ажабо Туркия ҳукумати бу казияси учун қандай далил ва исбот кўрсата оладир? Воқеан Туркия ҳукумати ўзининг бу ташаббусига турли далиллар келтирадир. Аввалан, овруполарнинг таҳкиридан кутулиши учун уларнинг пўстига буруниши кераклиги, иккинчи, мамлакатнинг асрий бир ҳаётга кириши учун овруполикнинг қабули!

Бу масалалар, умуман шарқ ва хусусан ислом дунёси учун энг эски масалалардандир. Шарқ иктисодий жихатдан тубанлашиб Оврупо сарватининг қўлида қола бошлагон замонлардан бери бу икки масала чикгон ва уларни ҳал этишга эҳтиёж сезилган эди. Овруполилар бир мамлакатни истило қилар-қилмас икки жаҳхали бир вазият тугуладир. Бир ёқдан овруполи ўзининг иркининг «нажиблигига» таяниб мустамлака бўлиш жихатидан мағлуб ва шунинг учунда «зарил» халқларни тубан кўра бошлайдир. Бу қараш аввало шундан бошланадирким, у истилочи бойдир, булар қамбағал! Бой билан қамбағалнинг бир-бирови билан муносабат ва муомаласи маълум.

Иккинчидан, улар қолиблардирлар, булар мағлуб!

Шарқлиларда эса қолибларнинг талашлари, жаҳр ва зулмларига қарши бир душманлик тугулғони қаби, уларнинг қарашларига қарши бошқа қоралар бўлмагонидан яхши кўрунмақ ва яранмоқ ҳислари пайдо бўладир. Овруполиларнинг қалабаси ортган сари нафратида ортадир, чунки бир ёқдан мамлукиннинг қамбағаллана тушганидан «хўжаси»га «тақдим» қилиб, эвазига «марҳамат» қутатургон «матои» қамаядир.

Иккинчи ёқдан бу мағлубнинг бор ва йўқини берса ҳам, «марҳамат» қутиб юмрук (мушт маъносида — Б.К.) кўрганидан душманлиги ортадир. Бу ҳол кундан-кун ортадир, сира тўхтамайди. Оқибат кўринадики, вазият икки ёқдан ўзгармақда бўлса ҳам, бирисининг фойдасига, иккинчисининг зарарига ўзгарадир, фойда кўрган томон табиий ўлароқ қаккая (қердаиш маъносида — Б.К.) қоради, мағлуб тараф эса бунга бир қора ахтара бошлайди. Аввал исён қилмоқ бошига қелади ва исён ҳам қилади, лекин оқ қолғонини ва оқлик орқасида «ўлум»нинг қелганини кўруб кўркади, яна итоатга бошлайди.

«Итоат» учун эса «қидам-қабр» қерақ бўладир, қолбуқи устидаги оқир юққа қарши кўюлатургон «тоқат» бўлмагонидан ва исён билан ҳам иш қикмогонидан яна бошқа қоралар излай бошлайди.

Умуман шарқ, хусусан бу кунги Туркия қана шу вазиятдади. Қинда, Чинда, Эронда, Арабистонда ҳам шундайди. Қиндистон ўзининг фирқа низолари билан бу вазиятни оқик кўрсатади. Бир ёқдан таракқийпарвар, либерал, овруполи аҳмоқ истаганлар йиллардан бери тиришадирлар ва ўзининг хўжаларига қарши вазиятларини яхширтмоқ истайдилар.

Инқлизлар эса - қар қанча оқир ирқни мақтасалар ҳам, қиндларга қелганда мақтовлар тоқчада қолади ва вахшият кундан-кун ортади. Қуқуқсизлик кун сайин қаттиг бир тус олади.

Чиндаги қапталисун масалалари, ақнабийларнинг ерларига қараганда айри қуқуққа молик бўлишлари, бу кунги Чин бухронлари буларнинг шохидидир.

Оврупонинг иктисодиёти орқасида вуқудга қелган шарқдаги бу ижтимоий қаракатлар

турлича жараёнлар тугдирадир.

Хиндистон ўзининг Ганди ва Тогурлари билан иктисодиятда бўлгони каби барча ижтимоий муассасаларда, фалсафада, ахлоқца, одатда — овруполиларга карши тушадир.

Ганди ва Тогурларча Оврупонинг дини-да бузук, дунёси-да! На унинг фалсафаси хакикатга етадир, на ахлоқи саодатга эришдирадир.

Оврупо бир «машина»дир ва унинг темир, кора чамбараклари, панжалари «инсонлик» виждонининг энг имонсиз душманидир. Шунинг учун ундан хазар этмак, кочмок лозимдир. Шунинг учундирки Тогур ўзининг «хофизона» ва «бедилона»— хайёмона эмас! — назм ва наср-ла шаркнинг кадим руҳини куйлай бошлайдир. Ганди, Оврунонинг мол ва матога карши кўблашиб куйдириш ва шаҳар корхоналарини ташлаб кишлокларга чекинишлари билан бирга ўзининг юриш-туриши билан эски «будда»лик ва «барахман»ликини бошлайдир.

Эронда, хатто, Эроннинг исломларида ҳам — эски зардуштликка томон жиддий майл борлиги букун кўзга урулмоқдадир. Туркияда ҳам бу кадимга берилиш жараёни йўк эмасдир. Баъзи парчалари-ла Яхё Камол, насрлари-ла Ёкуб Кодирийлар бу мактабнинг бошликларидан саналсалар мумкиндир. Лекин бу кунги Туркия жумхурият ҳукумати бу жараёнга карши юкорида кўрсатганимизча тамом маъноси-ла овруполик жараёни тарафдоридир. Факат том маъноси-ла эмас, кўркокча бир овруполик тарафдоридир. Чунки: Оврупонинг фалсафа ва фанини қабул килар экан кўркоклиги бўлмаса, Оврупо илм ва фанининг чиқаргон сўсийелизм ва унинг тўнгич ўгли бўлгон коммунизмга карши бу қадар каттик ҳаракат нечундир. Воқеан бу бир тарафдан майда буржуазиянинг манфаат такозоси каби иЗох этилса ҳам унинг асосида ўшал кўркоклик турмайдирми? «Илм ва фан»нинг хакикатларига карши манфаат кўркоклиги! Мантикан карангиз! Салла ўрнида шапка кийилса овруполашгон бўлур эканлар ва овруполиларнинг тахкиридан кутулур эканлар. Бу кўркоклик эмас, кулунч бир маймунликдир. Бу ақл ва мантикинги билан кишдан қандай чикдингиз, ўртоқлар?

Бу кўрсатадирки: аввало Туркия жумхурият ҳукумати ижтимоий масалаларни изох килиш йўлини англамайдир ва ижтимоий тазхуротга аҳамият бермайдир.

Иккинчидан, мамлакатнинг иктисодий манофеини асло кўз олдига келтирмайдир. Унга ёлғиз овруполиларга ёронмок лозимдир.

Овруполиларнинг бу кунги шапкалари буйрук остида тугулмагон каби, мусулмон ва шарклиларнинг кийимларида ҳеч бир хон ва авлиёнинг талкини билан бўлмагондир. Бу бир ижтимоий муассасадики, муҳит ва замон таъсири остида тугуладир ва яшайдир. Сўнгра овруполининг салла ўрағони билан мусулмон бўлмағони қанча аниқ бўлса бир шарклининг шапка кийиши билан америкалича тушуна олмаслиги ва ўзининг айри хусусиятларини доимо саклайтургонлиги бадихдир. Ёронмок - ҳуш кўринмок масалаларига келганда ҳам хол айнидир. Модомики, Туркия ва шарк, Оврупо ва Амрико сарватдорларининг манфаатларига карши курашадир ва уларнинг жигарига сукулган панжаларини арралайдир, юз оут таккан билан, минг қарра қалисога қирган билан, худони уч эмас, ўн мингта демак билан ҳам ёронмайди, суюлмайди.

Қандайки бугунги Оврупо ва Амриконинг ишчиси шапкаси, дини ва одатлари билан бир қангда бўлса ҳам яна уларнинг ўғай ўғлидир.

Бу хакикатлар кўз оддида экан, бу ҳаракатлар ижтимоий ҳаётни англамаслик эмасда надур? Юкорида кўрсатилган каби манфаати бўлмагон ташаббус ва ҳаракатнинг айри бир иктисодий зарари бордир.

Туркия икки-уч асрлик капиталисун вазияти ва ярим асрлик узулмай келган урушлар билан талангон ва йикилгон вайронадан бошка бир нарса эмасдир. Иктисодий жихатдан тузатиш учун хали энг ками чорак асрча бир муддат тинч туриши керак бўлгон бир мамлакат учун — айникса, Туркия каби майда хунар мамлакати учун — бир кийимни ўзгартиришнинг мажбурий бўлиши озми зарар берадир.

12—15 милйўнлик фабрикаси бўлмагон бир мамлакатнинг «кийимлик»ларини тайёрламок учун канча одам машгул бўлгон бўлур ва тушунмаган бир буйрук ижроси билан канча киши ишсиз қоладир, бир ўйлаш керак эмасмидир?

Бунинг устига бир оз шахсий хурриятни ҳам илова қилайлик, бу бир бугов ва занжир бўлмай—нима бўла олар?

Техронда чикатургон «Ойанда» журналида ҳам Эрон ҳукуматиға мамлакат ислохати учун килингон таклифлар орасида Эрон миллатининг бир фўрмада бўлиши таклифи киргизиладир. Буда туркиялилар каби тушунишдан келгандир.

Маколамизнинг охирида шуни айтиб ўтайликки: Шўровий ўлкаларда — душманларнинг бутун норозиликларига рагман — бир хол кўрсатадирки, уда ижтимоий ҳаётнинг сирларини англашга кўшнилардан кўра жиддийрок ва чуқуррок ўйлашдир. Бир тантанали суратда жахонга эълон этмак билан фахр этмак мумкиндир.

Шўро ҳукуматида энг асосли ижтимоий масалалар ислохи учун киришиладир. Кундалик ёримчик - ахамиятсиз, майда-чуйдалардан умр зое килинмайдир.

«Кийим-кечак» деб юришдан кўра кишлоқ хўжалигини яхширтиш, мактаблар очиш масалалари мавзуи бахс этиладир. Чунки дехконнинг киссасига пул кирса, бойиса, ўкиш-ёзишни ўрганса, маданий ҳаётга ёклаш ўз-ўзидан кийими тозаланадир, ўзгарадир. Уйларда теразалар қуруладир.

Диний масапаларда ҳам шундайдир. Шўро идорасида динларга ҳам том маъносида ҳурлик бершшб, Туркияда бўлгони каби хонакоҳларни ёпмай, диннинг асосий ҳурофатиға қарши илмий, тарбиявий қурашлар олиб бориладир.

Кўшниларимиз бу ҳаракатларни биздан ибрат олсалар, тилакларига яна тезрак етар эдилар.

Туркия ижтимоий ҳаётидаги воқеликка бағишланган бу макола «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1925 йил 10-сониде босилган.